

Тарих фанлари доктори, профессор Роберт Ланда Ситсилия оролига килган саёхати чогида бу ердаги Буккери кишлогига кўнди ва, табиийки, олимларга хос кизикувчанилиги туфайли кишлокнинг тарихи билан кизикди. Маълум бўлишича, «Буккери» дегани «бухорий» сўзининг бузиб айтилган шакли бўлиб, тўккизинчи-ўнинчи асрларда Бухородан келган бир жамоа оролни маскан тутган экан. Бухорийлар олис Италиядаги бу оролга кандай бориб колишган? Тарихдан маълумки, милодий саккизинчи асрда мусулмонлар Ситсилияни фатҳ этишди ва 1091 йилгача бу ерда хукмронлик килишиди. Фотихлар орасида араблар, барбарлар, занжи африколиклар ва бошка Ислом мамлакатларининг вакиллари бўлган. Италия шаркшуноси Микеле Амарнинг хисобига кўра, хозир оролда бир вактлар мусулмонлар барпо этган ёки эгаллаган шахар ва мавзеларнинг арабча 328 номи хамон сакланиб колган.

Мусулмонларнинг кемалари Ситсилиядаги истехкомлари ёрдамида Италия, Франса, Испания сохилларида Ислом даъвати билан етиб борди. Айни пайтда оролда мусулмонлар хукмронлиги ўрнатилганидан кейин кишлок хўжалиги гуллаб-яшнади, сунъий суКориш кенг кўлланила бошлади. Ўша пайтда бутун Оврупага нотаниш бўлган пилла, пахта, шакаркамиш, шоли, пўртахол, лимун, хурмо етиштириш йўлга кўйилди. Бу ерда навшатир олишди, иирик темир кони очилди. Мусулмон Ситсилияси кўшни ўлкаларни озик-овкат, газлама, курилиш ёгоч-тахтаси билан таъминлай бошлади. Оролнинг араб тожирлари Неапол, Салерно, Амалфо ва Италия жанубидаги бошка савдо шахарларида муким жойлашиб олишди. Шоир ва сайёхлар Ситсилия боглари, дарёлари, фаввораларини, бу ерда ўтказиладиган мусулмон байрамларининг жозибасини басма-басига куйлашарди.

1061—1091 йилларда оролнинг тинчи бузилди. Италия жанубида ўрнаша бошлаган норманларга карши каттик кураш олиб боришга тўғри келди. Норманлар охири оролни босиб олишди. Бирок Ситсилиядаги араб-Ислом маданиятининг кучи ва унинг боскинчиларга таъсири шунчалик катта эдики, хокимият алмашуви хам хеч нарсани ўзгартира олмади. Шахарлик мусулмонларнинг анчагина кисми оролни тарк этиб, Миср ва Магриб ўлкаларига кўчиб кетган бўлса-да, норманлар давлатида араб тили ва маданияти гуллаб-яшнайверди. Мусулмонлар хамон мухим вазифаларни эгаллаб туришарди. Араб хунармандлари ва тожирлари ўз имтиёзларини, шу жумладан, Ислом динига эътиқод килиш эркинлигини саклаб колишди. Улар яшаётган махаллаларда масjidлар хамон кўкка бўй чўзиб турарди. Норманлар ўз армияларида мусулмон жангчилар ва араб мухандисларидан фойдаланишарди.

Норманлар хукмронлиги даврида (1091-1194) Ситсилияда мусулмон кийимлари, араб тилидаги ёзишмалар, мусулмон таквими саналари ва Куръон оятлари зарб килинган тангалар кенг тар-калган эди. Саройда араб мударрислари ва сўз усталари хизмат килишарди.

Ўн иккинчи асрда кирол Рожер Иккинчи саройида улуг араб олими Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий истикомат тутган эди. Магрибда тугилган, хулафои рошиддининг тўртинчиси хазрати Алидан таркаган идрисийлар вакили бўлмиш бу олимни кейинчалик Ислом дунёсида “Аш-шариф ас-саколий” (шарафли ситсилиялик) деб атайдиган бўлишди. Унинг каламига мансуб “Хайратга тушган сайёхнинг турли ўлкалардаги машгулотлари” номли китоб ўша пайтдаги жуҚрофий асарларнинг энг мўътабар ва ишончлиси бўлиб, узок асрлар мобайнида мусулмон ва насроний олимлар орасида илмий кимматини йўкотмай

Муаллиф:
20.02.2014 17:54 -

турди.

Ситсилиядаги араб-Ислом маданияти ўн иккинчи-ўн учинчи асрларда, айникса, бир пайтнинг ўзида Олмония императори ва Куддуси шариф кироли бўлган Фридрих Иккинчи даврида гуллаб-яшнади. Унинг саройида араб шеърияти, мусикаси, урф-одатлари хукмрон эди. Кирол бир канча мусулмон олимлари ва файласуфларига хомийлик килди, ўзи чин муҳлиси бўлган Ибн Сино ва Ибн Рушд асарларини арабчадан лотин тилига ўгиришга фармон берди.

Ўн бешинчи асрга келиб Ситсилияда араб тили йўколиб кетса-да, араб-Ислом хазорасининг оролдаги таъсири узок вакт муҳрланиб колди. Унинг излари ахоли масканлари номларида, тил лахжаларида, айрим урф-одатларда, оролнинг хозирги фукаролари тарихий хотирасида сакланиб колган. Оролдаги Бухорий кишлоги ана шу олис тарихнинг бир шуъласидир.

Ахмад ТУРСУН